

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Fil. 02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎРИНБАЕВА ДИЛБАР БАЗАРОВНА**

**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ: ЖАНРИЙ-ЛИСОНИЙ ВА  
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚ МУАММОЛАРИ**

**10.00.01 –Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Ўринбаева Дилбар Базаровна**

Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик

тадқиқ муаммолари..... 5

**Уринбаева Дилбар Базаровна**

Устное народное творчество: проблемы жанрово-лингвистического и

лингвостатистического анализа .....33

**Urinbayeva Dilbar Bazarovna**

Folklore: problems of genre-linguistic and linguo-statistic analysis .....65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....70

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Fil. 02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎРИНБАЕВА ДИЛБАР БАЗАРОВНА**

**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ: ЖАНРИЙ-ЛИСОНИЙ ВА  
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚ МУАММОЛАРИ**

**10.00.01 –Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil10 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Каримов Суюн Амирович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Абдуғафур Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Айимбетов Максат Куллиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Мухамедова Саодат Ходайбердиевна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи илмий муассаса:**

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили,  
адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Мухиддинов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**А.Э.Маматов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ХХ асрнинг 50-йилларидан эътиборан тил ва матн муаммолари билан боғлиқ масалаларни компьютер технологиялари ёрдамида ҳал қилиш тадқиқи билан, нафақат тилшунос, балки бошқа соҳа олимлари ҳам шуғулланиб келмоқда. Мазкур масалалар ҳар қандай матнни лисоний ўрганишнинг янги-янги имкониятлари тил материални ахборот технология дастурлари орқали танлаш, таҳлил қилиш ва уни қайта ишлаш жараёнини муайян даражада тезлаштиришга ҳамда матннинг турли хусусиятлари ҳақида математик жиҳатдан тўғри ва аниқ маълумотларни қўлга киритишга замин яратмоқда. Шунингдек, катта ҳажмдаги матнларни таҳлил қилишга имкон берувчи технологиялар ҳамда ахборотни қайта ишловчи дастурлар ёрдамида лингвоквантитатив ва лингвостатистик таҳлил орқали нутқий бирликларни автоматик қайта ишлаш, қайта воқелантиришга оид тадқиқотларни амалга ошириш муҳимдир.

Жаҳон компьютер лингвистикасида матн корпуси, матнларни лингвостатистик анализ қилувчи, матнларни таҳрирловчи дастурлар, нутқий синтезатор, машина таржимаси, матнларни рефератлаш каби йўналишлардаги тадқиқотлар тилшуносликда катта ҳажмли лингвистик базаларнинг яратилишига омил бўлиб хизмат қилади. Замонавий ахборот технология ва дастурлари ёрдамида амалга ошириладиган матн таҳлилларининг лингвистик таъминотини яратадиган маълумотлар базаси муайян тилнинг грамматик қонуниятлари асосида юзага келди. Тилимизнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда унинг замонавий компьютер-корпус лингвистикасини яратиш вазифаси қўйилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида матн корпуси, матнларни лингвостатистик анализ қилувчи дастур яратиш учун ўзбек халқ оғзаки ижоди (бундан кейин ўринларда ЎХОИ) матнлари кесимида лексикографик таҳлилни амалга ошириш ва уларга оид тил материални ўзаро таққослаш, шунингдек, халқ анъаналари ва маънавиятини ўзида мужассам этган фольклор асарларининг лексик бойлигини луғатлар шаклида ихчам кўринишга келтириш юзасидан кузатишлар олиб бориш вазифаси мавзунинг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши миллий маънавий меросимиз ва қадриятларимизни чуқур ўрганиш учун имконият яратди. Чорак асрдан зиёд ўтган давр мобайнида ўзбек лингвофольклористикасида эришилган ютуқлар бунинг яққол далилидир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... ижтимоий соҳани, жумладан, илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантириш лозимлиги»<sup>1</sup> алоҳида таъкидланган. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек халқ оғзаки ижоди матнларини компьютерда қайта ишлаш, тизимли таҳлил этиш, тилшунослик ва компьютер, тилшунослик ва статистика каби бир-бирини тўлдирувчи соҳалар-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

нинг тадқиқотлари натижасида қўлга киритилган ютуқларни умумлаштириш ҳамда ўрганишга, шу кунгача, асосан, бадий матн билан чекланиб қолаётган таҳлиллар доирасини кенгайтиришга, ўзбек тилининг барча услублари материаллари асосида тадқиқотлар олиб боришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги<sup>1</sup> Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги янги тахрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни талаблари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Халқ оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятларини лингвостатистик жиҳатдан ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг нуфузли илмий марказларида, жумладан, University of California, University of Harvard (АҚШ); Universiteit van Amsterdam (Голландия); Oxford University Language Centre (Буюк Британия); Wsztechnica Polska Szkoła Wyższa Warszawa (Польша); Universitas Tartuensis (Эстония); Москва Семантика мактаби, Санкт-Петербург давлат университети, Компьютер лингвистикаси лабораторияси, Россия Федерацияси ФА, Новосибирск давлат университети (Россия); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА ҳузуридаги Ўзбек тили, адабиёт ва фольклори илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида лингвостатистиканинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, матнларни лингвостатистик жиҳатдан ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар негизида қуйидаги илмий натижалар олинган: лингвостатистиканинг назарий асослари ишлаб чиқилган ва статистик таҳлил масалалари амалга оширилган (University of Harvard, University of Colifornia,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар [www.homepage.psy.utexas.edu](http://www.homepage.psy.utexas.edu)., [www.lscp.net](http://www.lscp.net)., [www.aolifo.de](http://www.aolifo.de)., [www.kodanshausa.com](http://www.kodanshausa.com)., [www.fs.u-bunkyo.ac.jp](http://www.fs.u-bunkyo.ac.jp)., [www.diva-portal.org](http://www.diva-portal.org)., [www.roa.rutgers.edu](http://www.roa.rutgers.edu)., [www.books](http://www.books)., [google.com](http://google.com)., [www.linguistics](http://www.linguistics)., [www.northwestern.edu](http://www.northwestern.edu)., [www.ifa.amu.edu](http://www.ifa.amu.edu)., [www.wals.info](http://www.wals.info). ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

USA); корпус лингвистикаси масалалари билан шуғулланган (Universiteit van Amsterdam, Holland; Oxford University Language Centre, Great Britain); бадий матнни статистик ва квантитатив усулда ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Wsztechnica Polska Szkola Wyzszaw Warszawie, Polska; Universitas Tartuensis, Estonia); сўзларнинг семантик хусусиятлари батафсил тавсифланган изоҳли-комбинатор луғат яратилган (Москва Семантика мактаби, Санкт-Петербург давлат университети, РФ); тил тизимини лингвостатистик моделлаштириш масалалари тадқиқ этилган (Россия Федерацияси ФА); жумлани ташкил этувчи алоҳида сўзларнинг маънолари бутун жумланинг маъносини ташкил этувчи ягона бир бутунга боғланиш хусусиятлари ўрганилган (Компьютер лингвистикаси лабораторияси, Россия Федерацияси ФА); тилнинг морфологик моделини автоматик тузилишини статистик таҳлили юзасидан тадқиқотлар олиб борилган (Новосибирск давлат университети); тилнинг лексик-морфологик структураси лингвостатистик жиҳатдан таҳлил қилинган (Қозоқ миллий университети, Қозоғистон; сўз туркумлари ичида феъл ва унинг луғавий маъно гуруҳлари валентликлари таснифи ва машина таржимасига бағишланган бир қанча тадқиқот ишлари бажарилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА хузуридаги тил, адабиёт ва фольклори илмий-тадқиқот институти).

Дунё тилшунослигида матннинг лингвостатистик хусусиятлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: матннинг лингвостатистик хусусиятларини аниқлаш; фонетик, лексик ва морфологик бирликларнинг услубларда қўлланиш хусусиятларини тадқиқ қилиш; сўзшаклларнинг турли маъно бирикувлари (семантик) майдонини очиб бериш; компьютер лингвистикаси (хусусан, корпус лингвистикаси, нутқий бирликларни автоматик қайта ишлаш ва қайта воқелантириш эҳтиёжлари) тараққиёти билан узвий боғлиқликда матннинг фонетик, лексик ва грамматик моделлаштириш, нутқий ҳосилаларни автоматик тарзда яратиш ва нутқда қайта воқелантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, илм-фан, техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши, турли маълумотлар оқимини саралаб, қайта ишлаб, қабул қилиб олиш, матннинг лингвостатистик хусусиятларини аниқлаш, моделлаштириш жараёнини замонавий усулларда ўрганишга ихтисослашган янги бир тилшунослик йўналишининг шаклланиши учун ижтимоий эҳтиёж мавжуд. Мазкур эҳтиёж ўзбек тилшунослигининг бугунги ҳолати, у қўлга киритган ютуқлар билан белгиланади. Бу эса компьютер лингвистикаси бўйича жаҳон тилшунослари Р.Баилей, Р.Аллан, Р.Оакман, В.Черубини, Г.Алтманнларнинг<sup>1</sup>, рус

---

<sup>1</sup> Bailey R.W. Statistics and Style: A Historical Survey in Statistics and Style. N.Y. 1969. P.217-236; Allan R.F. The Stylo-Statistical Method of Literary Analysis // Computers and the Humanities. 1988. N22. P.1-10; Oakman R.L. Carlyle and the machine: a quantitative analysis of syntax in prose style//ALLC Bulletin. 1975, vol.3, pp. 100-114; Cherubini W. The "Goldenness" of Sidney's "Astrophel and Stella": test of a quantitative-stylistic routine//ZLanguage and Style. vol.8, pp.47-59; Altmann, G. Status und Ziele der quantitativen Sprachwissenschaft// Linguistik und Statistik. Jager, S. (ed.), Braunschweig, Vieweg. 1972, pp.1-9.

тилшунослари А.Журавлев, М.Кириллов, В.Кирносов, Л.Ковригиналарнинг<sup>1</sup> ва ўзбек тилшунослари С.Муҳаммедов, С.Мусахўжаев, С.Ризаев, М.Айимбетов, Ҳ.Арзикулов, С.Каримов, С.Муҳамедова, Н.Абдурахмонова каби тадқиқотчиларнинг номи билан боғлиқ. Мазкур олимларнинг ишлари асосан публицистик ва бадиий матннинг лингвостатистик таҳлили доирасида олиб борилган, барча услубдаги матнлар тилининг лисоний бирликларини ўрганиш, лексик қатламларининг таркибини аниқлаш ва таснифлаш, матннинг лингвостатистик, синергетик таҳлилини амалга ошириш, қадимий туркий тил лексикасининг баъзи қолдиқларини, муайян лаҳжа ва шевага хос бўлган луғавий бирликларини аниқлаш, услублар лексикаси ўртасидаги муштараклик ҳамда хусусийлик, ўзига хослик томонларини кузатиш, ижодкорларнинг сўз қўллаш маҳоратини белгилаш, матнларни компьютерда текшириш, тадқиқ этиш, исталган матнни автоматик ишлов бериш орқали лексикографик манбаларини яратиш масаласи эса ўз тадқиқини кутмокда. Бунда математиканинг эҳтимоллик назарияси, математик мантик, шунингдек, умумий система назарияси, лисон ва нутқ дихотомияси, шунингдек, Б.Головин, Л.Нелюбин, Н.Андреев, Р.Пиотровский, А.Бектаев, Ю.Тулдава, П.Алексеев каби қатор тилшуносларнинг илмий-назарий қарашлари методологик асос бўлиб хизмат қилади<sup>2</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда ЎзР ФА Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш Фондининг 180-06 сонли битими бўйича «Ўзбек халқ дostonлари тили лексик-фразеологик бирликларининг систем-структур ва статистик таҳлили» лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ЎХОИ жанрлари – дoston, мақол, топишмоқ, эртак, кўшиқлар тилининг фонетик, лексик ва грамматик ўзига хосликларини лингвостатистик ва лексикографик нуқтаи назардан таҳлил қилиш ҳамда

---

<sup>1</sup> Журавлев А. Лексикостатистическое моделирование системы славянского языкового родства. –М: Индрик, 1994. –С.231; Кириллов М.А. Лингвостатистический анализ художественного текста: на материале коротких рассказов Ф.С.Фицджеральда: Автореф.дис...канд.филол.наук: – Иваново. 2002. <http://www.dissercat.com/content/lingvostatisticheski-analiz-khudozhestvennogo-teksta-na-materiale-korotkikh-rasskazov>; Кирносов В.В. Применение статистических методов в сравнительных исследованиях художественных текстов: Автореф. дис...канд.филол.наук: - Курск, 2011. <http://www.dissercat.com/content/primeneniye-teorii-kompyuterno-i-semantiki-russkogo-yazyka-i-statisticheskikh-metodov>; Ковригина Л.Ю. Негауссовое моделирование лексико-статистической структуры вариативного текста (на примере «сказания о мамаевом побоище»). Дис...канд. филол.наук: - Санкт-Петербург, 2014. – С.351.

<sup>2</sup> Головин Б. Язык и статистика. М., 1971; Андреев Н. Статистико-комбинаторные методы в теоретическом и прикладном языковедении. –Л., 1967; Нелюбин Л. Компьютерная лингвистика и машинный перевод. – М:ВЦП, 1991.- С.151; Пиотровский Р. Методы автоматического анализа и синтеза текста. – Минск, 1985. – С.69; Бектаев К. Статистико – информационная типология тюркского текста. - Алма-Ата, 1978. – С.183; Тулдава Ю. Проблемы и методы квантитативно-системного исследования лексики. - Таллин: Валгус, 1987. - С.180; Алексеев П. Квантитативная типология текста: Учеб. пособие к спецкурсу. – Ленинград: ЛГПИ, 1988. – С. 76.

Ўзбек фольклорининг луғавий-мажмуий бойлигини ўзида мужассам қилувчи компьютер-ахборот корпуси учун лингвистик таъминот яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЎХОИ жанрлари матнининг компьютер корпусини яратиш ва шу асосда лингвостатистик таҳлилларни амалга ошириш;

лингвистик таъминот учун ЎХОИ жанрлари матнига лексикографик ишлов бериш ва уларнинг алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлари базасини шакллантириш;

тузилган лингвистик дастурлар орқали матннинг квантитатив таҳлилида компьютер технологиясининг афзалликларини илмий асослаш;

жанрлар тилининг статистик моделларини белгилаш ва ўзаро муштаракликлари ҳамда хусусийлигини аниқлаш;

лингвостатистик таҳлил методлари асосида ҳар бир матннинг луғавий ва маъновий жиҳатдан жанрларга кўра ўзига хослигини кўрсатиб бериш;

фонетик, лексик ва морфологик бирликларни жанрларда қўлланиш частотаси фоизини белгилаш, частота ранги бўйича таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари – дoston, мақол, топишмоқ, эртақ, кўшиқ матнлари, жумладан, «Алпомиш» ва «Равшан», «Топишмоқлар», «Ўзбек халқ мақоллари», «Ўзбек халқ эртақлари», «Бойчечак»<sup>1</sup> асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ЎХОИ жанрлари тили фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларининг лингвостатистик таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама, компонент таҳлил, лингвостатистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Алпомиш», «Рустамхон» ва «Равшан» дostonлари, мақол, топишмоқ, эртақ, кўшиқ жанрларининг алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлари тузилиб, компьютер ёрдамида тузилган луғатларнинг ўзбек луғатшунослиги тизимидаги ўрни ва афзалликлари далилланган;

танланган матнларда қўлланган барча сўзшакллар қўлланилиш миқдори аниқланган ва статистик-ахборот талабларига кўра моделлаштиришнинг ахборот етишувчанлиги, модел кўплиги тамойиллари очиб берилган;

фольклор асарлари тилини компьютер ёрдамида статистик қайта ишлаш натижасида частотали луғатнинг турли зоналарида эҳтимолӣ ва кам қўлланган сўз шакллари асосида матнни тўлдириш йўллари, сўз шаклларининг ўртача қайталаниши ва синтетизм коэффицентлари асосида матнда ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, матнни лингвистик индивидуаллиги аниқланган;

---

<sup>1</sup> Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли. Тошкент: «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998; Равшан. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Тошкент: ЎзР Фанлар академияси нашриёти, 1954; Топишмоқлар. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981; Ўзбек халқ мақоллари. - Toshkent: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2005; Ўзбек халқ эртақлари. 1 том. - Toshkent: «O'qituvchi» nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2007; Бойчечак. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

танланма матнлардаги сўз туркумлари ва уларнинг грамматик кўрсаткичлари квантитатив таҳлили этилиб, ўзига хос типологик табиати, жанрий хусусиятлари ёритилган;

достон, мақол, топишмоқ, эртақ ва кўшиқлар матнлардаги сўзшаклларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадий-эстетик қиммати исботланган;

электрон луғат ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот, яъни фонетик, лексик, грамматик базани яратиш бўйича тавсиялар асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг амалий якуни бўлган лексикографик ишланмалар<sup>1</sup> ҳозирча ўзбек тилшунослигида лексик birlikларнинг статистик жиҳатдан ягона, нисбатан тўлиқ ва муфассал тавсифи бўлиб, луғавий микросистема birlikлари тавсифланган;

матнлардаги сўзшаклларининг статистик таҳлили ва муаллиф томонидан нашр этилган лексикографик тадқиқотлар автоматик таржима, гиперматндан зарурий ахбортларни излаш, ўқитиш дастурлари, электрон луғат, электрон қўлланма, мультимедиа воситаларининг машина фонди бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва нашр этилган халқ оғзаки ижоди манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, синергетик ва статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослиги ва лингвофольклористикасининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тўпланган материаллар ва олинган натижалар тил тарихи, ўзбек тили стилистикаси, матн тилшунослиги, диалектология, фонетика ва фонология, лексикология, фразеология, морфология каби фанлардан илмий адабиётлар яратишда ҳамда келгусида ўзбек тилшунослигида фонетик, лексик ва фразеологик birlikларнинг тарихий-этимологик, функционал-семантик, статистик ва лингвосинергетик, сўз туркумларининг маъновий гуруҳларига оид монографиялар, ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари асосида яратилган электрон қўлланма – «Математик лингвистика» ва лексикографик ишланмалари олий ва ўрта махсус таълим тизимида тилшунослик фанлари бўйича махсус курс ва семинарлар ўтишда, ўқувчи-талабаларнинг филологик билим ва малакаларини оширишда амалий аҳамиятга эга бўлади.

---

<sup>1</sup>Ўринбаева Д. Ўзбек халқ достонлар тилининг частотали луғати. – Тошкент: Давлат миллий энциклопедияси, 2006.-243 б; Ўринбаева Д. Ўзбек халқ достонлари тилининг алфавит-частотали луғати. – Тошкент: Давлат миллий энциклопедияси, 2006. – 243 б; Ўринбаева Д. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг қиёсий алфавит-частотали луғати. – Самарқанд, 2017. – 650 б; Ўринбаева Д. Фольклор асарларига хос сўзларнинг қисқача изоҳли луғати. – Самарқанд, 2017. –160 б; Ўринбаева Д., Қаршиева Д. “Компьютер лингвистикаси” фанидан қисқача изоҳли луғати. – Самарқанд, 2019. – 169 б.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ЎХОИ жанрларининг лингвостатистик таҳлилини амалга ошириш бўйича олинган илмий натижалар:

тадқиқот натижаларидаги ёрдамчи сўз - кўмакчи, боғловчи, юклама, алоҳида сўз туркумлари – модал, ундов, тақлид сўзларнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилида синтактик деривация жараёнида у ёки бу характердаги дериватлар сифатида шаклланишига оид мисоллардан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги №89-03-3698-сон маълумотномаси). Натижада дериватларнинг шаклланишига доир масалаларни мукамаллаштириш имконияти яратилган;

тадқиқот хулосаларидаги абжўш, беллик, биқтирма, дастгир, дим, иззиламоқ, кайвон, кашал, мастон, сурги каби лексемаларнинг изоҳларидан ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 декабрдаги №3/1255-3362–сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши луғатдаги лексикографик таҳлилларни такомиллаштиришга, сўз маъноларини ойдинлаштиришга хизмат қилган;

тадқиқот юзасидан нашр этирилган луғатлардан Носирхожа валади Мансурхожанинг «Лайли ва Мажнун», «Китоби Санубар» дostonларини ва музей каталогини нашрга тайёрлашда Ф1-ФА-055746-рақамли «Марказий Осиё халқлари кўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 24 декабрдаги №3/1255-3362–сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг татбиқи орқали дoston ва каталоглар нашрнинг натижавийлиги ошган;

тадқиқотдан олинган амалий натижалар асосида «Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати» (ISBN 452-2008/2043), «Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг қиёсий частотали луғати» (ISBN 978-9943-4584-7-5) каби луғатлар яратилган. Ушбу луғатларнинг камрови остига кирувчи термин ва лексемаларнинг миқдори ҳамда уларнинг изоҳлари маънодорлиги ошган;

тадқиқот натижалари асосида «Математик лингвистика» (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил 19 октябрдаги №000619 IP гувоҳномаси), «Diktant» саводхонликни синаш дастури (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2018 йил 2 июндаги DGU 05542-рақамли гувоҳномаси) каби қўлланмалар яратилган. Натижада ўқувчиларнинг компьютер лингвистикаси, халқ оғзаки ижоди асарлари тили талқини борасидаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тадқиқот хулосаларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Ойдин оқшом», «Фарзандим дилбандим» кўрсатувларини, Сирдарё вилоят телерадиоканалининг «Тема дня» эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган

(Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 20 ноябрдаги 09-01/527-сон маълумотномаси; Сирдарё вилоят телерадиоканалининг 2018 йил 18 ноябрдаги 1723-сон маълумотномаси). Натижада мазкур эшиттириш ва кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро, 20 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 60 та иш, жумладан, 3 монография, 4 та луғат, 1 та электрон қўлланма, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, 20 та илмий ахборот ва маъруза тезислари, шулардан 4 та илмий мақола халқаро журналларда, 12 та хорижий илмий конференцияларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 250 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, фойдаланилган метод ва методологик асоси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми хусусида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек халқ оғзаки ижоди матнлари тадқиқотининг методологик ва методик асослари**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. Ўзбек тили диалектал таъсирлардан йироқлашиб, тобора адабийлашиб ва коммуникатив салоҳияти ортиб бораётган ҳозирги босқичда унинг тарихий илдизлари ҳақида ахборот берадиган асосий манбалардан бири ЎХОИ намуналари бўлиб қолади. Ушбу лингвистик материал юзасидан мукамал лингвофольклористик тадқиқотлар олиб боришда, жумладан, оғзаки ижод жанрлари кесимида турли характердаги луғатлар яратишда компьютер ёрдамида яратилган инженер-лингвистик дастурлар ниҳоятда самарали ҳисобланади. Диссертацияда лингвистик моделлаштириш ва амалий лингвистика юзасидан берилган тавсиялар айнан шу муаммолар ечимига қаратилганлиги билан илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мазкур бобнинг «Тилшуносликда лингвостатистик таҳлил муаммоларининг ўрганилиши» деб номланган биринчи бўлимида жаҳон, жумладан, рус тилшунослигида функционал услублар доирасида лингвостатистик ва лексикографик методларга таяниб амалга оширилган

тадқиқотларга қисқача обзор берилган. З.Гайдукова, А.Зубов, Б.Головиннинг бадий услуб, А.Журавлев, Р.Кобрин, Л.Пекарскаянинг илмий услуб, А.Григорьева, И.Вольскаянинг расмий услуб, В.Гурченкова, П.Алексеев, Л.Туригинанинг публицистик услуб таҳлилида лингвостатистик методнинг аҳамияти ҳақидаги қарашларига муносабат билдирилган.

Туркологияда – қозоқ, қирғиз, озарбайжон, турк тилшуносликлариди<sup>1</sup> компьютер ёрдамида илмий, бадий ва публицистик матнлар юзасидан частотали, алфавит-частотали ҳамда чаппа луғатлар тузиш тажрибаси ва методлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда ўзбек тилшунослигида бу соҳада амалга оширилган ишлар қуйидагича умумлаштирилган:

1.Қўл кучига асосланган лингвостатистик-лексикографик тадқиқотлар (В.Решетов, В.Попов, Р.Қўнғуров, А.Тихонов, И.Киссен, С.Каримов)<sup>2</sup>.

2.Лингвостатистик методдан фойдаланилган илмий тадқиқотлар (Ф.Абдуллаев, М.Имомназаров, С.Мусахўжаев, А.Қуронбеков, Б.Бафоев, Ф.Бобожонов, И.Худойназаров, А.Ибрагимов, А.Халиков, Г.Жуманазарова)<sup>3</sup>.

3. Компьютер технологиялари ва дастурлашга бағишланган ҳамда улар ёрдамида яратилган илмий тадқиқотлар (С.Ризаев, М.Айимбетов, С.Мухаммедов, Ш.Имяминова, С.Каримов, С.Мухаммедова)<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Бектаев К., Молдабеков К. Балалар адабиёти текисинин алфавитти жиілік создігі.- Чимкент: ЧПИ, 1988. - С.116; Ахабаев А. Частотный словарь казахского подязыка публицистики. – В кн.: Статистика текста. Т.1. Лингвостатистические исследования. - Минск, 1969. - С.552-567; Садыков Т. Проблемы моделирования тюркской морфологии. - Фрунзе, 1987. - С.120; Велиева К. Формальное описание синтеза азербайджанского слова: Автореф.дисс... канд. фил.наук. – М., 1971. – С.20; Махмудов М. Разработка системы формального морфологического анализа тюркской словоформы: (на материале азербайджанского языка): Автореф. дисс... канд. фил. наук. - Баку, 1982. – С.26; Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода: Автореф.дисс... канд. фил.наук. - Л., 1981. – С.18.

<sup>2</sup> Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы // Проблемы языка. Вып.№ 1, - Ташкент, 1934. - С.41-51; Попов В. Ўзбек ва рус тилларини қиёсий ўрганишда статистик методни қўллаш // А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари. 1-китоб. Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. -Тошкент: ЎзР ФА нашриёти, 1949; Киссен И. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. - Ташкент: Ўқитувчи, 1972. - С.112; Қўнғуров Р., Тихонов А. Обратный словарь узбекского языка. - Самарқанд, 1969. - С.240; Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзиясининг луғати. Конкорданс. - Тошкент: Ўқитувчи, 1981. - Б.273.

<sup>3</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек тилида арабизмлар. - Тошкент, 1959; Имомназаров М. Статистико-семантические особенности лексики поэмы Хосрова Дехлави «Ширин ва Хосров»: Автореф.дисс... канд. фил.наук. - М., 1975. - С.20; Мусаходжаев С. Лингвистический анализ узбекского научно-технического текста и терминологии подязыка электротехники и электроники: Автореф.дисс... канд. фил.наук. - Ташкент, 1986.- С16; Куранбеков А. Статистико-семантический анализ класса имен поэмы «Айнаи Искандари» Амира Хосрова Дехлеви: Автореф.дисс... канд. фил.наук. М.,- 1988. - С.25; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои: Фил.фан.док.дис...автореф. - Ташкент, 1989. – Б.44; Бабаджанов Ф. Ўзбек жадид драммаларининг лисоний хусусиятлари: Фил.фан.номз.дис...автореф. - Самарқанд, 2002. - Б.23; Худойназаров И. Антропонимларнинг тил тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Фил.фан.номз.дис...автореф. - Тошкент, 2006. - Б.24; Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи: Фил.фан.док.дис...автореф. - Тошкент, 2008.- Б.25; Холиков А. «Гўрўғлининг туғилиши» достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Фил.фан.номз... дис. автореф. - Тошкент, 2009. – Б.25; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Фил. фан. док. дис...автореф. - Тошкент, 2017. - Б.75.

<sup>4</sup> Ризаев С. Статистическая структура языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс). - Ташкент, 1989. - С. 248; Мухаммедов С. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс... канд. фил. наук. - Ташкент, 1980. - С.25; Айимбетов М. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста. – Нукус: Билим, 1991. – С.128; Мухамедова С. Ўзбек тилидаги харакат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.402; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г.

«Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари матнининг лингвофольклористик тадқиқи тарихидан» деб номланган иккинчи бўлимида асосий эътибор Марказий Осиё халқлари оғзаки ижоди намуналарининг тил хусусиятлари ҳақидаги дастлабки фикрлар XIX аср шарқшунос-олимлари томонидан баён қилинганлигига, ўзбек фольклорининг тарихий илдизлари ва манбаларини аниқлашга, ЎХОИ асарлари поэтикаси, тили ва услубига доир қарашлар В.Жирмунский, Х.Зарифов, А.Боровков, И.Брагинский, М.Богданова, Л.И.Климович, Н.Кидайш-Покровская, М.Саидов, М.Муродов, М.Абдурахимов, У.Жуманазаров, Т.Мирзаев, М.Саримсоқов, Ж.Қобилниёзовлар асарларида билдирилганлигига, XX асрнинг II ярми ва XXI бошларида халқ оғзаки ижоди муаммоларига бағишлаб бир қанча илмий тўпламлар ҳамда дарслик яратилганига қаратилган. Шунингдек, бўлимда ЎХОИ матнлари юзасидан кейинги 30-40 йил давомида олиб борилган лингвофольклористик тадқиқотлар, жумладан, дostonлар Ш.Шоабдурахмонов, Р.Расулов, С.Йўлдошев, С.Турсунов, И.Ёрматова, З.Холманова, А.Раҳимов, О.Ингён, Г.Жуманазарова<sup>1</sup>, мақоллар Х.Абдурахмонов, М.Садриддинова, Б.Соатов, Б.Жўраева<sup>2</sup>, топишмоқлар Ж.Абдуллаев, М.Саитбоева, М.Сапарниёзова<sup>3</sup>, кўшиқлар Р.Анорбоев, Ф.Ҳайитова, М.Жуманиёзова, М.Якуббековаларнинг ишларига муносабат билдирилган<sup>4</sup>.

Бўлим якунида соҳанинг бир қатор муаммолари – фольклор тилининг адабий тил меъёрларига муносабати, бу меъёрларнинг шаклланишида ЎХОИ жанрлари матни тадқиқининг ўрни кабилар ёритилган. Ишда ўзбек

---

Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.- Б.436; Имяминова С. Ҳозирги ўзбек тилида бўғин ҳосил бўлишининг лингвистик ва статистик тадқиқи: Фил. фан. ном. дис...автореф. - Тошкент, 2009. - Б.28.

<sup>1</sup> Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» дostonининг бадий тили ҳақида: Фил.фан.номз.дис..автореф.- Тошкент, 1949.- Б.20; Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дис...канд. фил. наук. - Ташкент, 1975. - С.19; Юлдашева С. Поэтика узбекского народнога героического эпоса «Алпамыш»: Автореф. дис...канд. фил. наук. - Ташкент, 1984.- С.20; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф.дис...канд.фил.наук.- Ташкент, 1990. - С.19; Ёрматова И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси поэтикаси: Фил.фан. док.дис. автореф. - Тошкент, 1994.- Б.25; Холманова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Фил.фан.номз...дис. автореф. - Тошкент, 1999. – Б.26; Раҳимов А. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили: Фил.фан. номз.дис... автореф.- Самарқанд, 2002.- Б.27; Мамадиев Ш. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик фигуралар: Фил.фан.номз.дис..автореф.- Самарқанд, 2007.- Б.26; Ингён О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили: ДД. – Тошкент, 2014.- Б.25; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Фил. фан. док. дис...автореф. - Тошкент, 2017. - Б.75.

<sup>2</sup> Абдурахмонов Х.Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент, 1964. - С.33; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф.дис...канд.фил.наук. - Ташкент, 1985. - С.20; Соатов Б. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис....канд. филол. наук. - Ташкент, 1990.- С.20; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий кўлланиши: Филол. фан. номз.дисс... автореф. - Самарқанд, 2002. – Б.23.

<sup>3</sup> Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз.дисс... автореф. -Тошкент, 1994. - Б.20; Саитбоева М. Именное сказуемое в узбекских народных загадках: Автореф. дис.... канд. филол. наук. - Ташкент, 1984. – С.20; Сапарниёзова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. - Тошкент, 2005. - Б.24.

<sup>4</sup> Анорбоев Р. Ўзбек халқ кўшиқларидаги шахсиз гапларнинг баъзи структура хусусиятлари // ТошДПИ илмий асарлари. –Тошкент, 1972. - Б.182-191; Ҳайитова Ф. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лисоний талқини: Фил.фан.номз. дис.. автореф.- Тошкент, 1998.- Б.24; Жуманиёзова М. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси: Фил.фан.номз.дис..автореф.- Тошкент, 1999. - Б.24; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Фил.фан.док. дис... автореф. - Тошкент, 2005. – Б.50.

лексикографиясида фольклор материалнинг илмий мезон ва талабларга жавоб бера оладиган изоҳли луғатлари яратилмагани ва ана шу лингвистик муаммони ҳал этишда лингвостатистик методнинг аҳамиятига урғу берилган.

Бобнинг «Ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари лингвостатистик таҳлил объекти сифатида» деб номланган учинчи бўлимида бадиий сўз санъатининг барча турларида бўлгани каби ЎХОИнинг дoston, мақол, топишмоқ, эртак, кўшиқ сингари жанр кўринишларининг ҳар бири алоҳида лингвистик ва стилистик хусусиятларга эгаллиги ҳамда улар тарихан муайян бир услуб доирасида яшаши ҳақида сўз боради. Дарҳақиқат, жанрлар лингвостатистик ва лексикографик таҳлиллар фонида ўрганилганда уларнинг генетик илдизларини, ўзбек халқининг маданий-эстетик даражасини аниқлаш; ўзаро боғланиш омилларини белгилаш ва семантикасини таҳлил этиш; грамматик-структурал ҳолатларнинг бадиий-эстетик ҳамда сифат ва миқдор ўзгаришлари ҳақида фикр юритиш; ушбу жанрлар учун типик хусусият ҳисобланган анъанавий стилистик фигураларнинг матндаги ўрни ва ролини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Зеро, ЎХОИда мавжуд барча жанрлар тарихан вужудга келган ягона бадиий-эстетик тизим бўлиб, бу тизим ўзаро таъсир замирида шаклланган. Бўлимда ЎХОИ жанрларига хос бўлган хусусиятлар, бадиий-лингвистик тамойилларнинг умумийлиги уларнинг тарихан тараққий этган ўзаро муносабатларига боғлиқлиги изоҳланган. Жанрлар шаклланишида экстралингвистик омиллар ҳам муҳим ўрин тутишлиги, масалан, эпосдаги батафсиллик, мақол, топишмоқ, кўшиқлардаги клишелар ва қолиплар, жанрий-услубий чегараланганлик, сўзшаклларнинг қўлланишидаги муштараклик ана шундай омиллар сифатида қаралган.

Хуллас, ЎХОИ матнларини жанрлар кесимида лингвостатистик таҳлил этиш ўзбек лингвистик корпусида алоҳида ўрин тутадиган ва халқимизнинг бебаҳо маънавий ва бадиий-эстетик капитали саналадиган ўзбек фольклори материални ҳам антропоцентриқ, ҳам когнитив, ҳам лингвомаданий тамойиллар асосида тадқиқ этишга кенг йўл очади.

ЎХОИ намуналари халқимиз дунёқараши ва бадиий тафаккури, анъаналари ва урф-одатлари тарихининг гувоҳи сифатида ғоятда муҳим семантик-стилистик ва лингвопоэтик аҳамият касб этади. Бу тадқиқотларнинг илмий асосга қўйилиши ва яхлитлигини таъминлаш талаби кузатишларда энг ишончли таҳлил методлари билан иш кўришни тақозо этади ва, шу маънода, лингвостатистик метод замонавий таҳлил методларидан бири саналади.

Диссертациянинг «Ўзбек халқ оғзаки ижоди матнларини ўрганишнинг лингвостатистик методлари» деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан иборат. Боб аввалида ЎХОИ матни лингвостатистик таҳлилинини амалга ошириш учун луғатлар яратилиши лозимлиги ва бунинг учун «Алпомиш», «Ўзбек халқ эртаклари», «Топишмоқлар», «Ўзбек халқ мақоллари», «Бойчечак» асарлари<sup>1</sup> матнининг электрон вариантлари яратилганлиги ҳақида маълумот берилган. Ана шу танланган матнлар асосида

---

<sup>1</sup> Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли. «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни бош таҳририяти. -Тошкент, 1998; Ўзбек халқ эртаклари.1 том. -Тошкент, 2007; Топишмоқлар. -Тошкент, 1981; Ўзбек халқ мақоллари. -Тошкент, 2005; Бойчечак. -Тошкент, 1984.

компьютер дастурлари ёрдамида 60358 сўзшаклдан иборат, бешта частотали ва бешта алфавит-частотали луғатлар тузилган. Достон жанри умумий матн ҳажми – 14029, қайталаниши – 96011, яъни – 49,2 %ни; мақол матни – 12231, қайталаниши – 45132, яъни 27,5%ни; топишмоқ жанри умумий матн ҳажми – 8569, қайталаниши – 27334, яъни 23,5 %ни; эртак жанри умумий матн ҳажми – 14837, қайталаниши – 77304, яъни 24,7 %ни, қўшиқ жанри – 10692 сўзшакл, қайталаниши – 31858, яъни 27,6% ини ташкил қилиши аниқланган. Мазкур натижаларни асос қилиб танланма матнларни уч томонлама: частотали луғатнинг турли зоналаридан эҳтимолий матнни тўлдириш; сўзшаклларнинг ўртача қайталаниши ва синтетизми; кам қўлланган сўзшакллар асосида матнни тўлдириш коэффициентлари таҳлил қилинган.

Бобнинг «Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари матнининг лингвоахборот базасини яратиш тажрибасидан» деб номланган биринчи бўлимида тилларнинг математик моделларини яратиш, лингвистик муаммоларни ҳал қилувчи турли хил компьютер дастурлари, жумладан, лингвостатистик эҳтиёжлар ечимини топишга йўналтирилган дастурларни тузишнинг илмий-амалий аҳамияти хусусида сўз юритилган. Компьютер «мия»сига киритилган тил материали машина лингвистик-ахборот базаси ҳисобланади. Ишлаб чиқилган лингвистик алгоритмлар, модуллар бир тизимга жамлангач, лингвистик-ахборот, математик-ахборот таъминоти ва маълумотлар базаси (банк) маълум бир матнни автоматик қайта ишлаш механизми яратилади. Маълумотлар базаси кенгайган сари лингвистик-ахборот таъминоти муаммоси камайиб боради. Маълумотлар базасини вужудга келтиришда тилнинг лексик, грамматик, фонологик ва морфонологик блоклар инobatга олиниши ишда атрофлича ва батафсил ўрганилган.

Бобнинг «Частотали луғатнинг турли зоналаридан эҳтимолий матнни тўлдириш коэффициенти» деб номланган иккинчи бўлимида ЎХОИ жанрлари частотали луғатлари горизонтал равишда зоналарга бўлиб чиқилди. Бунда биринчи зона 1-50, иккинчи зона 1-100, учинчи зона 1-500, тўртинчи зона 1-1000, бешинчи зона 1-1500 сўзшакл, олтинчи зона 1-2000 сўзшакл оралиғида бўлиб, амалга оширилган барча таҳлилларда шу зоналар инobatга олинди.

**1-таҳлил қонуният:** *N/L ўртасидаги алоқадорлик юқори бўлса, матнининг аналитик/синтетик хусусияти ҳам юқори бўлади (яъни, матннинг морфологик структураси ўзгаради: сўз ясалиши)*<sup>1</sup>.

Олинган натижалар:

Частотали луғатлар	N	L <sup>c/ф</sup>	1-50	1-100	1-500	1-1000	1-1500	1-2000
достон	96011	14029	15,78	21,68	37,33	44,91	49,16	52,02
мақол	45135	12231	17,99	24,18	43,83	54,92	61,93	66,97
топишмоқ	27334	8569	18,40	24,99	46,85	58,51	65,85	71,24
эртак	77304	14837	22,58	29,94	51,55	61,87	67,82	72,04
қўшиқ	31858	10692	20,99	26,36	44	54,50	61,28	66,14

Барча зоналарда нисбий тўплаш частотасининг энг юқори даражасини эртак жанри, топишмоқ, мақол жанрларида сакраш ҳолатидаги кескин ўсиш

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Тулдава Ю. Проблемы и методы квантитативно-системного исследования лексики. – Таллин: Валгус, 1987. - с.59.

ҳолатини кўрсатган. Поғонама-поғона меъёрий ўсиш ҳолати дoston ва кўшиқ жанрларига хос. Статистик тўплаш частотасининг секинлик билан меъёрий ўсиш динамикаси матндаги сўзшаклларнинг ясалиш ва қўлланишидаги ранг-барангликни намоён этиб, жанрларнинг аналитик хусусиятини тасдиқлаган. Частотали рангнинг юқорисини феъл ва от сўзшакллари, куйи рангда асосан умумхалқ сўзлари ўрин олган.

Бобнинг «Матнлардаги сўзшаклларининг ўртача қайталаниши, синтетизм ва тўлдириш коэффициенти» деб номланган учинчи бўлимида сўзшаклларнинг ўртача қайталаниши ва синтетизми, кам қўлланган сўзшакллар асосида матнни тўлдириш коэффицентлари таҳлил қилинган. Бунда тадқиқот учун ЎХОИ жанрларидан 1000, 2000 ва 6000 сўзшакл ҳажмидаги матнлар танлаб олинди.

**2-таҳлил қонунияти:** *агар  $\tilde{F}$  (қайталаниш частотаси) юқори кўрсаткичга эга бўлса, матндаги сўзшаклларнинг ранг-баранглик даражаси паст; аксинча,  $\tilde{F}$  паст кўрсаткичда бўлса, матндаги сўзшакллар кўп ва ранг-баранглик даражасининг юқори бўлади<sup>1</sup>.*

*Сўз шаклларнинг ўртача қайталаниши ва синтетизм коэффициенти*

Частотали луғатлар	N (сўз қўлланиши) ҳисобида				
	зона			умумий ҳажм	$\tilde{F}$
	1-1000	1-2000	1-6000		
<i>дoston</i>	56/1,8%	51/1,6%	44/2,2%	15/1,5%	6,8
<i>мақол</i>	58/1,7%	54/1,6%	48/2,3%	27/1,7%	3,6
<i>топишмоқ</i>	55/1,8%	41/2,4%	40/2,4%	31/1,8%	3,1
<i>эртақ</i>	55/1,8%	46/2,4%	41/2,4%	19/1,9%	5,2
<i>кўшиқ</i>	62/1,5%	60/1,6%	62/1,6%	33/1,6%	2,9

ЎХОИ асарларида қўлланган сўзшаклларнинг ўртача қайталаниш коэффициенти танланма ҳажми оширган сайин пасайиб борди. Ҳар қандай ҳолатда энг юқори  $\tilde{F}$  топишмоқ, эртақ, дoston жанрларига, энг паст  $\tilde{F}$  кўшиқ, мақол жанрларига тўғри келди. Бу топишмоқ, эртақ жанрларида сўз қўллашдаги ранг-баранглик ва грамматик шаклларнинг хилма-хиллиги паст, кўшиқ, мақол жанрларида эса юқори даражада эканлигидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, жанрлар лексик қатламига ҳам таъсир кўрсатади.

Умумий матн жанрлараро қиёсланганда, жанрлардаги сўз шаклларнинг энг юқори синтетизм коэффициенти кўшиқ жанрига, энг куйиси дoston жанрига тўғри келди.

Ушбу кўрсаткичлар бирлаштирилганда куйидаги тенгсизлик ҳосил бўлди:  $Sint_{дoston} < Sint_{эртақ} < Sint_{мақол} < Sint_{топишмоқ} < Sint_{кўшиқ}$

Демак, лингвостатистик жиҳатдан сўзларнинг ранг-баранглиги, грамматик шаклларнинг бойлиги нуқтаи назаридан кўшиқ жанрининг бошқа жанрлардан ажралиб туриши маълум бўлди.

**3-таҳлил қонунияти:** *Тўлдириш коэффициенти -  $\xi$  нинг кўрсаткичи паст даражада бўлганда таҳлил этилаётган матннинг лексик кўлами юқори,  $\xi$  юқорилаб боргани сари лексик қатламдаги такрор сўзшаклларнинг кўп бўлиши кузатилади ва янги сўзшаклларнинг қўлланишидаги фоиз камайиб*

<sup>1</sup> Айимбетов М. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков. дисс. на соис. учен. степ. док.фил.наук. – Тошкент, 1997. - С.47.

боради. Танланма матннинг кенгайиши билан кам қўлланган сўзшакллarning улуши ҳам камаяди<sup>1</sup>.

Кам қўлланган сўзшакллар асосида матнни тўлдириш коэффициентини аниқлашда бир ва икки марта қўлланган сўзшакллар таҳлил қилинди.

Кам учрайдиган сўзшакллarning квантитатив ҳолати

Частотали лугатлар	N	Lс/ф	F <sub>1</sub>	F <sub>1%</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>2%</sub>	F <sub>1,2</sub>	F <sub>1,2%</sub>	ξ
<i>достон</i>	96011	14029	F <sub>7404</sub>	52,7	F <sub>4342</sub>	30,9	F <sub>11746</sub>	83,6	88
<i>мақол</i>	45132	12231	F <sub>7029</sub>	57,4	F <sub>4054</sub>	33,1	F <sub>11083</sub>	90,5	75
<i>топишмоқ</i>	27334	8569	F <sub>5275</sub>	61,5	F <sub>2636</sub>	39,7	F <sub>7911</sub>	92,2	72
<i>эртақ</i>	77304	14837	F <sub>8265</sub>	55,7	F <sub>4580</sub>	30,8	F <sub>12845</sub>	86,5	83
<i>қўшиқ</i>	31858	10692	F <sub>6809</sub>	63,6	F <sub>2538</sub>	23,7	F <sub>9347</sub>	87,3	71

Умумий матн ҳажмида тўлдириш коэффициенти энг юқори кўрсаткич достон матнига –  $\xi = 88$ , энг паст кўрсаткич қўшиқ матнига –  $\xi = 71$  тенг бўлди. Матннинг тўлдириш коэффициенти танланма ҳажмнинг ўсишига қараб нафақат сўз қўллашда, балки тили ва услубида ҳам ўзгариши кузатилди. ЎХОИ жанрларининг тўлдириш коэффициенти даражаси текширилганда қуйидаги тенгсизлик юзага келди:

$$\xi_{\text{қўшиқ}} < \xi_{\text{топишмоқ}} < \xi_{\text{мақол}} < \xi_{\text{эртақ}} < \xi_{\text{достон}}$$

Ушбу тенгсизлик жанрларнинг сўз қўллашда барабар эмаслиги, ўзига хослиги ва хилма-хиллигининг исботидир. Энг юқори тўлдириш коэффициенти достон матнига, энг паст тўлдириш коэффициенти қўшиқ матнига тўғри келди. Қўшиқ жанри эса лексик бирликлар ва грамматик шакллarning ранг-баранглиги жиҳатдан бошқа жанрларга нисбатан доминант статистик вазнга эгаллиги маълум бўлди.

ЎХОИ тилини замонавий методлар асосида ўрганиш, ўзбек тили сатҳларининг ўзига хос хусусиятларини туркий тиллар ва бошқа тил оилалари билан қиёсий ўрганиш натижасида боб якунида қуйидаги хулосага келинди:

Бир марта қўлланган сўзшакллarning энг кўп миқдори қўшиққа, энг паст миқдори достонга хос. Достон, эртақ, мақол жанрлари бир марта қўлланган («ноёб сўзлар») сўзшакллар жиҳатдан тенг, икки марта қўлланган сўзшакллар жиҳатдан эса тенг эмас. Бу шундан далолат берадики, достон жанрида «ноёб» сўзшакллarning асосий қисми услубий жиҳатдан бетараф ҳисобланади. Қолган қисми эса окказионал сўзшакллар – шевага ёки достон лексикасига хосдир.

Қўшиқда халқ тафаккури, дунёқараши, анъаналари, урф-одатлари, ўзига хос хусусиятлари акс этганлиги боис, у халқ ҳаёти билан боғлиқ ўзгаришларни ва турли даврларнинг тил элементларини ўзида сақлаб қолган. Қўшиқларда баъзан *аттум*, *баттум*, *адина*, *бадина* каби тушунарсиз сўзларнинг учраши уларнинг болалар тилига ҳамоханглиги билан изоҳланади. Шундай қилиб, сўз қўллашдаги ранг-баранглик жиҳатдан биринчи ўринда қўшиқ, кейин топишмоқ, мақол, эртақ ва ниҳоясида достон туради. Бу эса жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишни тақозо этади ва халқ қўшиғи, топишмоқ, мақоллар эртақ ва достон каби сюжетли эмаслиги билан изоҳланади.

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Айимбетов М. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков. дисс. на соис. учен. степ. док. фил. наук. – Тошкент, 1997.

Диссертациянинг «ЎХОИ жанрлари фонетик ва лексик бирликларининг лингвостатистик тадқиқи» деб номланган учинчи боби уч бўлимдан иборат. Ҳозирги замон тилшунослигида тил қонуниятларини яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш учун лингвостатистик кузатишларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Амалиётда мазкур усулни татбиқ этиш билан, биринчидан, лингвистик кузатишларда аниқ фактларга таянилади, иккинчидан, метатилни яратишдай долзарб муаммо сари бир қадам қўйилади. Чунки матн ўз-ўзини ташкил этувчи, очиқ система сифатида ҳозирги даврда мавжуд бўлган лексик ва грамматик ахборотларни статистик сақлаш тизими хамдир.

Бобнинг «Фонетик бирликлар лингвостатистик тадқиқи» деб номланган биринчи бўлимида Н.С.Трубецкой қарашлари таҳлил қилинган ва фоностатистик кузатишларда белгиларнинг шартли тизими сифатида тилдаги товушларда мавжуд бўлган экспрессив воситалар қизиқтириши ҳақидаги фикрига асосланган<sup>1</sup>. Квантитатив-систем тадқиқ бирликлар (сўзшакл)нинг матнда миқдорий тақсимланишига оид кузатишларимиз ЎХОИ матнларининг фонетик қурилиши, уларнинг вазифавий-услубий фарқланиши, унли ва ундошларнинг тадрижий тараққиёти ва қонунияти, бўгин тузилишидаги ўзгаришлар тўғрисида муайян хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ўртача 1000 та сўзни қамраб олган матнларларда қўлланган ҳарф-товушларнинг статистикаси қуйидагича бўлди:

дoston жанри			мақол жанри			топишмоқ жанри			эртaк жанри			қўшиқ жанри		
товушлар	абсолют частота	нисбий частота	товушлар	абсолют частота	нисбий частота	товушлар	абсолют частота	нисбий частота	товушлар	абсолют частота	нисбий частота	товушлар	абсолют частота	нисбий частота
А	738	13,00%	А	733	13,00%	А	614	13,00%	А	774	13,00%	А	1160	20,00%
И	826	14,00%	И	666	12,00%	И	631	13,00%	И	751	13,00%	Л	816	14,00%
Н	407	7,00%	Н	523	9,10%	Р	347	7,10%	Н	400	6,90%	И	515	8,90%
Б	394	6,80%	Л	390	6,80%	О	307	6,30%	Р	349	6,10%	Н	414	7,20%
Р	362	6,20%	Р	342	6,00%	Л	229	4,70%	Б	348	6,00%	О	290	5,00%
Л	348	6,00%	Г	313	5,50%	Қ	229	4,70%	Л	348	6,00%	М	259	4,50%
Д	277	4,80%	Ў	234	4,10%	Т	225	4,60%	О	297	5,10%	Б	227	3,90%
О	264	4,50%	Т	234	4,10%	Н	223	4,50%	Д	296	5,10%	Р	226	3,90%
Т	248	4,30%	О	226	4,00%	М	221	4,50%	Т	190	3,30%	Г	174	3,00%
Г	184	3,20%	Б	216	3,80%	Д	207	4,20%	Қ	174	3,00%	Т	170	2,90%
У	174	3,00%	С	175	3,10%	У	179	3,70%	К	165	2,90%	Д	162	2,80%
Ў	165	2,80%	М	167	2,90%	Б	166	3,40%	У	163	2,80%	У	159	2,80%
Й	163	2,80%	К	166	2,90%	К	163	3,30%	Г	160	2,80%	Й	158	2,70%
К	159	2,70%	У	153	2,70%	С	156	3,20%	Ў	159	2,80%	С	140	2,40%
Қ	143	2,50%	Д	149	2,60%	Е	125	2,50%	М	158	2,70%	Ў	123	2,10%
М	139	2,40%	Қ	138	2,40%	Ў	125	2,50%	Й	151	2,60%	Қ	122	2,10%
З	131	2,20%	Е	132	2,30%	Г	120	2,40%	Е	149	2,60%	К	93	1,60%
Е	119	2,00%	З	109	1,90%	Й	112	2,30%	С	142	2,50%	Е	75	1,30%
С	108	1,90%	Й	85	1,50%	З	107	2,20%	Ч	119	2,10%	Ш	64	1,10%
Ш	86	1,50%	Ш	81	1,40%	Ш	70	1,40%	Ш	80	1,40%	З	60	1,00%
Ч	60	1,00%	Ғ	61	1,10%	Ғ	63	1,30%	З	68	1,20%	Ё	54	0,94%
В	51	0,88%	Ч	60	1,00%	Ч	60	1,20%	Х	54	0,94%	Ч	43	0,75%
Х	42	0,72%	В	60	1,00%	Ё	43	0,88%	В	51	0,88%	Ғ	43	0,75%
Э	40	0,69%	П	57	1,00%	В	41	0,84%	Ғ	41	0,71%	Я	39	0,68%
Ғ	38	0,65%	Э	55	0,96%	П	33	0,67%	Э	39	0,68%	Ж	30	0,52%
Х	34	0,58%	Ю	50	0,87%	Я	24	0,49%	П	35	0,61%	Ҳ	29	0,50%
П	29	0,50%	Ё	47	0,82%	Э	21	0,43%	Ҳ	32	0,55%	Х	28	0,49%
Ё	27	0,46%	Ҳ	37	0,65%	Ю	19	0,39%	Ю	20	0,35%	В	28	0,49%
Ф	21	0,36%	Х	23	0,40%	Ж	18	0,37%	Ж	19	0,33%	П	23	0,40%

<sup>1</sup> Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Иностранная литература, 1960. – С. 372.

Ю	15	0,26%	Я	22	0,38%	Х	13	0,27%	Ё	17	0,29%	Ю	15	0,26%
Ж	10	0,17%	Ф	8	0,14%	Х	10	0,20%	Я	8	0,14%	Э	13	0,23%
Я	10	0,17%	Ж	8	0,14%	Ф	3	0,06%	Ь	7	0,12%	Ф	7	0,12%
Ь	5	0,09%	Ь	0	0,00%	Ц	0	0,00%	Ф	5	0,09%	Ь	6	0,10%
Ц	0	0,00%	Ь	0	0,00%	Ь	0	0,00%	Ц	0	0,00%	Ь	0	0,00%
Ь	0	0,00%	Ц	0	0,00%	Ь	0	0,00%	Ь	0	0,00%	Ц	0	0,00%

Жадвал фольклор асарлари жанрларида энг фаол бўлган товушлар – *а* ва *и* товушларининг дoston, мақол, топишмоқ, эртақ матнларида 13-14 % ни, жумладан, кўшиқда *а* 20 %ни, *и* 9%ни ташкил этиши, ёки *б* ва *л* товушларининг қўлланиши 3,5 %дан 7%гача бўлган ораликда жойлашганлиги, *л* ундошининг кўшиқда қўлланилиши 14 % эканлиги ҳақида тасаввур беради. Бинобарин, таҳлил этилган ушбу товушларнинг қўлланиш частотасидаги фарқлар жуда катта эмас.

ЎХОИ танлама матнлари товушлар тизимидаги элементларни шартли равишда учга – юқори, ўрта, қуйи даражаларга ажратганимизда, биринчи ўнликни эгаллаш даражасидаги фарқлар, юқорида таъкидланганидек, унчалик катта эмас. Улар қуйидагилар: дostonларда – *а, и, н, б, р, л, д, о, т, г*; эртақларда – *а, и, н, л, б, р, о, д, м, г*; мақолларда – *а, и, н, е, л, с, ш, ф, б, з*; кўшиқларда – *а, л, и, н, о, м, б, р, г, й*; топишмоқларда – *а, и, р, о, л, қ, т, н, м, д*. Бу товушлар жами 18 тани ташкил этади ва улар орасида *а, о, и* унлилари ва *л, н, б, р, г, д, м* ундошлари энг фаол товушлар саналади. Қолган *т, е, з, й, қ, с, ф, ш* товушлари эса кейинги ўринларни ишғол этади. Масалан, **кўшиқ** матнидаги *алла (193), болам (47), алла-яй (24), алла-ё (19)* бирликлари энг юқори частотали сўзлар сифатида намоён бўлиб, луғатнинг энг юқори бешлигида турибди. Агар уларнинг шаклдошларини ва улар билан биргаликда қўлланиладиган *айтмоқ* сингари элементларни ҳисобга олсак, *а* товуши частотаси юқорилигининг сабаблари аён бўлади. Танланган кўшиқлар матнида *л* товушининг 800 мартадан қўлланганлиги ҳам асосан, юқоридаги сўзлар билан боғлиқ: *Алла, болам, алла-яй, / Жоним, болам, алла-яй* каби. Бундан ташқари, «Алла»лар матнида экспрессивлик учун хизмат қиладиган - *синлим, синбатлим, тарлоним, юраклим, кераклим, бургут қобоқлим, баҳрин тирноқлим, қизил гулим* ва *ухламоқ* сингари субъектив баҳо англатувчи ва алла билан боғлиқ ҳаракатни билдирувчи сўзлар ҳисобига *л* товуши иштирок этган сўзлар частотаси юқори бўлган. Уларнинг фаол қўлланишда табиийлик бор ва бу қўлланиш нутқнинг фонетик меъёрларига тўла мос келади. Бу фикрни ўзбек тилшунослигида олиб борилган бошқа кузатишлар ҳам тасдиқлайди. Юқорида таҳлил қилинган ҳолатни илмий-методик йўналиш сифатида қараш мумкин, аммо умумий-идеал ўлчов сифатида қабул қилиш тўғри бўлмайди. Демак, турли жанрлар матнидаги товушларни статистик жиҳатдан ўрганиш, биринчидан, жанрлар учун хосланган элементларни аниқлашга, иккинчидан, сўзларнинг стилистик оттенкаларини пайдо бўлиш сабабларини ўрганишга, учинчидан, матнни таҳрир, таржима қилиш ва автоматик ишлов бериш каби компьютер дастурларини яратишда манба вазифасини бажаришга хизмат қилади<sup>1</sup>.

Бобнинг «Лексик бирликлар лингвостатистик тадқиқи» деб номланган иккинчи бўлимида танланма матнлар жуфтликда таҳлил этилди ва статистик-

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Тулдава Ю. Ўша асар. – С. 105.

информацион услуб қўлланган ҳолда жанрлараро қиёсий тавсиф амалга оширилди. ЎХОИ танланма матнлари ўртасидаги квантитатив-лексик яқинлик даражасини аниқлаш, нутқий актда лексик birlikларнинг вазифасидаги муштараклик ва хусусийликни кузатиш жанрларнинг қиёсланиши орқали юзага чиқади. Натижалар Спирменнинг ранг корреляция қонуни орқали таҳлил қилинди<sup>1</sup>. Ушбу қонун бўйича ранглар қуйидаги формула ёрдамида қиёсланди:

$$P = 1 - \frac{6 \sum Di^2}{n^2(n-1)}$$

Бунда: P – ранг корреляция коэффициенти;  $Di^2$ - сўзшаклларнинг ранг бўйича ҳар хиллиги; n – икки луғатдаги сўзшаклларнинг миқдори; 1 дан n гача – сўзшаклларнинг кетма-кетлик миқдори<sup>2</sup>.

Матнлар услубига хос жиҳатлар изланиши жараёнида айрим лексемалар бажарган коннотатив вазифаларнинг ҳам намоён бўлганлиги матн лингвистикасида лингвостатистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик таҳлилларнинг биргаликда олиб борилиши зарурлиги ҳақидаги назарий қарашни амалий жиҳатдан исботлади. Демак, ўзбек тилидаги ҳар бир лексик-семантик гуруҳга оид birlikлар, ҳар бир сўз туркумига оид элементлар ана шу таҳлил методларига таянилган ҳолда олиб борилиши мумкин ва зарур.

Бобнинг «Лингвостатистик таҳлиллар лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвопоэтик тадқиқотлар асоси сифатида» деб номланган учинчи бўлимида олиб борилган кузатишларда умумфилологик тадқиқотлар силсиласида лингвостатистик, лексикографик, лингвостилистик ва лингвопоэтик тадқиқотлар муштараклиги кўзланган мақсадга олиб келиши ҳақидаги қараш асос қилиб олинган. Жумладан, одам ва предмет белгиси билан боғлиқ айрим сўзлар таҳлилига ана шу тамойил асосида ёндашилган ҳамда *алвон, гулгун, зангори, кўк, малла, оқ, ол, сариқ, яшил, яшил-кўк, қизил, қирмизи, қора* сифатларининг статистик ва лексикографик таҳлилига лингвостилистик ва лингвопоэтик тадқиқотлар учун пойдевор сифатида қаралган. Жанрлардаги ранг билдирувчи сифатлар частотасининг энг юқори кўрсаткичи халқ кўшиқларига тўғри келади ва бошқа жанрларга нисбатан 4 баробар кўп. Кўшиқ-топишмоқнинг мос келувчи нисбати 2:1, кўшиқ – мақол 2:1, дoston жанрларида 1:3, кўшиқ – эртақ жанрида 4:1. Жумладан, *кўк* сўзи ЎХОИ асарлари матнида энг кўп қўлланган birlikдир. Унинг қўлланиш

<sup>1</sup> Тулдава Ю. Проблемы и методы квантитативно-системного исследования лексики. - Таллин: Валгус, 1987. - С.132; Айымбетов М.К. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков: Дис..док.фил.наук. - Ташкент, 1997. - С.88.

<sup>2</sup>Юқори частотали сўзшаклларни ранглар орқали қиёслаш ёрдамида сўз қўллаш жараёнидаги ва матнларнинг моддий яқинлиги аниқланади. Масалан, частотали луғатнинг 1-300 оралиғида бўлган зонада дoston-эртақ-мақол-кўшиқ-топишмоқ ўртасида жами 30 та сўзшакл, жанрлар жуфтлиги қиёсланганда 1-300 оралиғида бўлган зонада дoston-эртақ жанрлари ўртасида 35 та, дoston-кўшиқда 100 та, дoston-мақолда 71 та, дoston-топишмоқда 73 та, кўшиқ-мақол-топишмоқ-эртақда 37 та сўзшакл; улар жуфтликда қиёсланганда, частотали луғатнинг 1-300 оралиғида бўлган зонада кўшиқ-топишмоқ ўртасида 57 та, кўшиқ-мақолда 33 та, кўшиқ-эртақда 45 та сўзшакл ўзаро тенг қўллангани маълум бўлди. Бу сўзшакллар нисбатан яқин ва қўлланишида тафовут мавжуд. *Қаранг:* Айымбетов М.К. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков. Дисс... док. фил. наук. -Ташкент, 1997. – С. 87.

частотаси дostonда – 192, мақолда – 21, топишмоқда – 129, эртақда – 43, кўшиқда – 75 ни ташкил этади.

«Алпомиш» матнида кўк сўзи куйидаги маънолари билан иштирок этган: ранг маъносида: кўк човқар, кўк чодир, кўк кўз, кўк қарға: Ўлжа қилиб миниб кепсан човқар кўк (117). Мисолда кўк стилизациялашган, метонимияга учраб, от ни англатишни ўз зиммасига олган; осмон, фалак маъносида 15 марта қўлланган: Мени кўкка олиб кетиб боради (144); кўчма маънода қўлланиб, аёл кишиларнинг аздорлигини англатиши ўзбек халқи урф-одати ифодаси сифатида тилда қадимдан бор: Кўк кийибсан, сен бировни йўқлайсан (326).

**Мақоллар** матнида ҳам кўк ўзининг асосий мавқеини – ранг билдириш, осмон ва ўсимлик маъносини ифодалаш хусусиятини сақлаб қолган: Даланинг кўкига ишонгунча, Отаннинг гўрига ишон каби. Бу сингари мисолларнинг таҳлилида асосий гап юқорида тилга олинган маъноларни ифодалашда эмас, балки мақоллар поэтикасига хос жиҳатларда эканлигида. Масалан, Гадога оқ халта ҳам бир, кўк халта ҳам. Оқ туя чўкмас, кўк туя турмас мақолларини олайлик. Балки кўк рангдаги халтани кўргандинмизу, аммо кўк туяни ҳеч ким кўрган эмас. Мақолда эса шу сўз қўлланилган ва унинг қўлланилишини матндаги бошқа сўз – оқ тақозо этган. Қиёслаш учун мақол таркибини ўзгартириб кўрамиз: Оқ туя чўкмас, малла туя турмас. Шундай деб айтилганда ҳам мазмунга путур етмайди. Ифода меъёри эса битта бўғиннинг орттирилиши ҳисобига бузилиши мумкин.

Кўк сўзи **топишмоқлар** матнида мазмунга яширинган сўзни топишга кўмаклашадиган калит – очкич вазифасини ўтайди: Кўк кўйлакка қўл етмас. Кўк косани тунтардим. Кўк сандигим очилди Ичидан зар сочилди. Топишмоқлари таркибидаги кўйлак, коса, сандиқ сўзларининг нимага ишора қилаётганини дабдурустдан англаш қийин кечади. Уларнинг тағмаъносини пайқашга осмон маъносидаги кўк кўмаклашади. Матндаги кўйлак, коса, сандиқ сўзларининг осмон, само, фазо маънолари бу сўзсиз рўёбга чиқмайди. Қиёслаймиз: Кўйлакка қўл етмас. Косани тунтардим. Сандигим очилди каби. Бинобарин, матндаги кўйлак, сандиқ, гилам сўзларидан кутилаётган тағмаъно уларга фақат кўк сўзи метафорик аниқловчи сифатида қўшилгандан кейингина юзага чиқади: кўк кўйлак, кўк коса, кўк сандиқ сингари. Гарчи кам бўлса-да, топишмоқлар матнида ушбу сўз сув маъносида ҳам келади: Кўк устида устунли уй, ўй устида ҳаёт (кўприк).

**Эртақлар** матнида ушбу сўзни ранг маъносида қўллаш устунлик қилади: кўк эшак, кўк денгиз, кўк каптар сингари. Ранг маъноси баъзан кучайтирилади: кўм-кўк кўкат, кўм-кўк водий, кўм-кўк майса каби. Баъзан рангларнинг кетма-кетлиги ифодани кучайтириш, белгини таъкидлаш учун ишлатилади: Қора тойни, саман тойни, кўк тойни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим.

**Кўшиқлар** матнида ушбу сўзнинг маъно кўлами кўк от, бахтнинг кўки, кўк танга, кўк мийиқ, кўкда бўлмоқ, кўк қозғоз, тилла кўк, кўк шоли, кўк қиз, кўкка учмоқ, кўк кўз, кўк қалам, кўк тасма, кўкала майдон сингари бирикмалар таркибида кенгайиб борган. Матнлар таҳлилида кўзга яққол ташланадиган ҳолат эса унинг оқ сўзи билан биргаликда келишидир. Оқ ва кўк

сўзларининг кўшиқларда ёнма-ён қўлланилишига айрим поэтик ҳолатлар сабабчи бўлган деб ўйлаймиз. Биринчидан, уларнинг бир умумий ранг семасида бирлашиши, иккинчидан, ҳамма – каттаю кичикнинг бу рангларни тасаввурига сиғдира олиши, учинчидан, қ ва к товушларининг портловчи ва жарангсиз эканлиги ва талаффузда тил орқасидан тил олдига ўтишининг осонлиги. Уларнинг биргаликда қўлланиши микроматнда лексик ва грамматик параллелизмни пайдо қилади ва кўшиқни ёд олишни осонлаштиради: *Оқ тепада оқ каптар, Кўк тепада кўк каптар. Оқ каптарим нон ейди, Кўк каптарим дон ейди* каби. Бу матнларда сўзнинг мазмуни – ранг аңлатиш хусусияти етакчилик қилмайди, шаклга эътибор берилади. Улар бир ҳолатда гапнинг даромади вазифасини ўтаса, иккинчи бир вазиятда талаффузи осон бўлмаган тил бирликларининг дистрибуцияси ва трансформациясида ёрдамчи бўлади. Бу каби таҳлилларни ўзбек тилидаги ҳар бир лексик-семантик гуруҳ мисолида давом эттириш мумкин. Аммо натижалар умумийлигича қолаверади. Яъни муайян ЎХОИ жанрига хос матн учун хосланган лексик бирликлар мавжуд, бу хосланганлик уларнинг қўлланиш частотасига таъсир кўрсатади ва жанр услубини белгилашда иштирок этади.

Хуллас, ЎХОИ матнлари устида олиб борилган лингвостатистик кузатишлар ва лексикографик ишланмалар фольклор асарлари тили ва услубини ўрганишда янги қадамдир. Бу амалга оширилган ишлар келажакда лингвофольклористика соҳасидаги тадқиқотлар учун маълум маънода ҳам назарий, ҳам амалий таъминот бўла олади.

ЎХОИ асарларидан жанрлар кесимида олинган танлама матнларнинг ҳарфлар кўламини лингвостатистик таҳлил этиш ўзбек тили товушлар тизимининг асарлар давомида ўзгармасдан келадиганлигини кўрсатди. Шундан, халқ достонлари матнининг лингвостатистик ва қисман фоностилистик тадқиқи ушбу асарлар тилидаги фонетик жараёнларнинг ўзбек тили желашган диалекти фонетик хусусиятларига тўла мос келишини тасдиқлайди.

ЎХОИ жанрлари матни юзасидан олиб борилган лингвостатистик ва лексикографик тадқиқотлар унинг матн лингвистикаси тизимидаги кейинги тадқиқотлар учун мустаҳкам пойдевор бўла олишлигини исботлади.

Диссертациянинг «**ЎХОИ матнлари морфологик бирликларининг лингвостатистик тадқиқи**» деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат. Ушбу бобда амалга оширилган тадқиқотлар якуни ўлароқ ЎХОИ матнлари морфологиясининг лингвостатистик тадқиқида масалага грамматик умумлаштирувчилик позициясидан ёндашилди ва терс луғатлар тузишга мўлжалланган компьютер дастурлари яратилди<sup>1</sup>. Тузилган луғатлар муайян туркумга кирувчи сўзшаклларнинг миқдори, услубий чегарасини белгилаш ҳамда семантик-стилистик ва лингвопоэтик таҳлил учун лингвистик таъминот бўлиб хизмат қилди.

Мазкур бобнинг «Мустақил сўз туркумларининг лингвостатистик тадқиқи» деб номланган биринчи бўлимида матнларнинг квантитатив таҳлили

<sup>1</sup> Матн кўринишидаги ахборотларни нафақат грамматик, балки маъно ва услубий жиҳатдан таҳлил қилувчи компьютер дастурлари (сунъий интеллект) яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. *Бу ҳақда қаранг:* Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – Б.17.

сўзшаклларнинг сўз туркумларига тақсимланиш тамойилларига таянилган ҳолда амалга оширилди. Бунда луғатлардаги сўзшакллар зоналарга тақсимланиб, жанрлараро сўз туркумлари қиёсланди ва танланма матнларнинг тилости, услуб, тагуслубдаги ўзига хос типологик хусусиятлари аниқланди. Натижада луғатлар таркибида сўз туркумларининг тақсимоти луғат ҳажми билан боғлиқ эмаслиги, луғат таркибининг миқдорий ўсиши билан сўз туркумларининг матндаги улуши ўзгариб қолмаслиги маълум бўлди.

Умумий матн ҳажмида мустақил сўз туркумларининг квантитатив тадқиқи қуйидагича:

мустақил сўз туркумлари	достон		мақол		топишмоқ		эртак		қўшиқ	
	F	f%	F	f%	F	f%	F	f%	F	f%
<i>от</i>	1597	1,6	1733	3,8	2478	9	1815	2,3	3658	11
<i>сифат</i>	425	0,4	131	0,2	422	1,5	316	0,4	478	1,5
<i>сон</i>	54	0,05	57	0,12	33	0,12	66	0,08	69	0,2
<i>олмош</i>	17	0,017	28	0,06	18	0,06	19	0,02	24	0,07
<i>равиш</i>	266	0,2	297	0,6	283	1	249	0,3	179	0,5
<i>фeъл</i>	1399	1,4	1592	3,5	2158	7	2889	3,7	2870	9

Жадвалдан кўринадикки, умумий матн ҳажмида достон, мақол, қўшиқ, топишмоқ жанрларида статистик доминант – от. Эрттак жанрида юқори даражада фeъл туради. Кейинги поғонани сифат ва raviш эгаллайди. Уларнинг жанрларда қўлланиш кўрсаткичи эса турлича.

От сўз туркуми таҳлили доирасида ишда қисқарган сўзшакллар ва қўшимчалар лингвостатистикасига ҳам эътибор берилди. Масалан, «Алпомиш» достонида *-нинг* қўшимчаси – 572, *-ни* – 1309, *-га* – 896, *-да* – 642, *-дан* – 682 марта ишлатилган. Шунга мос тарзда келишиқ категориясига оид қўшимчаларнинг мақол, топишмоқ, эрттак, қўшиқларда қўлланишини аниқладик дейлик. Масалан:

№	келишиқ категорияси	достон	мақол	топишмоқ	эртак	қўшиқ
1	Бош келишиқ					
2	Қаратқич келишиғи	<i>-нинг</i> – 572, <i>-динг</i> – 2	821	201	637	386
3	Тушум келишиғи	<i>-ни</i> – 1309, <i>-ди</i> – 23, <i>-н/-ин</i> – 218	1006	403	1623	639
4	Жўналиш келишиғи	<i>-га</i> – 896, <i>-а</i> – 66, <i>-та</i> – 2	831	410	1231	627
5	Ўрин-пайт келишиғи	<i>-да</i> – 642,	537	504	693	473
6	Чиқиш келишиғи	<i>-дан</i> – 682, <i>-дин</i> – 14, <i>-нан</i> – 9	718	332	889	361

Англашиладики, достондан бошқа жанр намуналари статистик таҳлили ўзидан кейинги лингвистик тадқиқотлар учун ҳеч қандай материал бера олмайди. Достонлар ёзма матнида эса мумкин қадар импровизациядаги аслиятни сақлаб қолиш натижасида келишиқ қўшимчалар вариантлилига йўл қўйилган: *-нинг* ўрнида *-динг*, *-им*; *-ни* ўрнида *-ди*; *-га* ўрнида *-а*, *-та*; *-дан* ўрнида *-дин*, *-нан* каби.

**Сифат туркумига** оид грамматик белгилар таҳлили учун даража кўрсаткичлари танланди<sup>1</sup>. Энг йирик эпик асарлар – «Алпомиш» ва «Холдорхон» матнлари сифат ортторма даражасининг интенсив шакли достонлар учун хос эмаслигини кўрсатди. «Алпомиш»да фақатгина *дуппа дуруст* 3 марта: *Бойчиборни миниб, чўпка либосда, дуппа-дуруст мўйсафид бўлиб, отланиб...* «Холдорхон»да *қип* – 3 марта: *Кўлбар куни билан қип-қизил қон кечди...* тарзида қўлланилган. «Холдорхон»да *па* – нинг 13 марта

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси, I том. Морфология. – Тошкент: «Фан», 1975, - Б.296-297.

қўлланганлигини эса Эргаш шоир услуби билан боғлаш мумкин: *Ҳасан Қўлбар чоппа-чок бўлаяпти (64)* каби. Аммо улар предметнинг эмас, балки ҳаракатнинг белгисини англатган.

**Қўшиқлар** матнида белгининг ортиқлигини кўрсатувчи интенсив шакллар 2 та бўлишига қарамасдан, *қоп-қора* ғоят самарали қўлланган: *қоп-қора бахт, қоп-қора лой: Қоп-қорайган бахти бор, алла; Қо-қо* оҳангдорлигидаги *қ* нисбатан қаттиқ талаффуз этилишига қарамасдан, мисралар таркибида ифода майинлиги учун хизмат қилган. Диссератцияда озайтирма, қиёсий даража таҳлилига ҳам ана шу тамойил асосида ёндашилган.

**Олмош туркумига** оид сўзларнинг бадий-публицистик матнларда муайян лингвостилистик ва лингвопоэтик вазифаларни адо этиши уларнинг тил тизимида алоҳида ўрни борлигини тасдиқлайди. Шу сабабдан, ишда уларнинг нафақат жанрлар, балки функционал услублар кесимидаги стилистик аҳамияти статистик-лексикографик таҳлил орқали кўрсатилди.

ЎХОИ жанрлари асосида тузилган луғатларда кишилиқ олмошларининг қўлланиш частотаси қуйидагича:

т/р	олмошлар	достон	мақол	топишмоқ	эртак	қўшиқ
1	<i>мен</i>	1192	34	90	1001	308
2	<i>сен</i>	1097	58	48	439	213
3	<i>у/ул</i>	60/139	24/1	481/11	854/1	109/6
4	<i>биз</i>	316	11	67	175	84
5	<i>сиз</i>	91	9	29	326	36
6	<i>улар</i>	23	1	13	239	5

Англашиладики, жами танланма матнларда 7591 та кишилиқ олмоши ишлатилган бўлса, уларнинг 40% эртаклар, 38% достонлар, 20% топишмоқлар ва қўшиқлар матнига тўғри келади. Мақолларда учраши эса атиги 2% ни ташкил этади. Қўлланган 138 та олмошнинг 60 % *сен* ва *у* олмошлари ҳиссасига тўғри келади. Бу қўлланишларда мақолларнинг ифода табиатига мослиги – дидактик мазмуннинг умумга йўналтирилганлиги кўзга ташланади: *Ватанинг тинч – сен тинч* каби. Шу маънода *мен, биз, сиз, улар* сингари олмошларга эҳтиёж йўқ.

ЎХОИ матнларида **сонларнинг** қўлланишида алоҳидалиқ бор. Бошқа фольклор жанрларида адабий тил меъёрларига амал қилиш устунлик қилса, достонларда уларнинг қўлланишида айрим фонетик ўзгаришлар кўзга ташланади: *ўн иккимом, ўнолтуруғ, олтойгача: Олтойгача мен йўлига қарайин (67)* каби. Бу каби қўлланишлар сўзлашув услубига хос ва импровизация билан боғлиқ жараёнлар билан бўлса, қуйидаги *Орадан бир кам қирқ кун ўтди, бир кам қирқ кун деганда, равзадан овоз келди (Д.15)* шунчаки достон айтишдаги анъанавийликка бориб тақалади.

Бу каби семантик-грамматик вазифаларнинг фаоллик-нофаоллик даражаси қуйидагича:

т/р	сонлар кўрсаткичи	достон	мақол	топишмоқ	эртак	қўшиқ
1	<i>-та (дона)</i>	15/46	10/45	20/116	22/186	-
2	<i>-инчи (тартиб)</i>	2/4	1/1	2/3	9/82	-
3	<i>-тадан (тақсим)</i>	-	-	4/5	8/13	-
4	<i>-ов (жамловчи)</i>	3/29	4/37	4/8	-	-
5	<i>-ала (жамловчи)</i>	-	-	-	2/19	-

ЎХОИ жанрларига оид асарлар матнида *бир* сўзи энг маҳсулдор сон ҳисобланади. Унинг қўлланиш частотаси қуйидагича: Д.и=1004; М.и=447; Т.и=504; Э.и=1710; Қ.и=219. Маълум бўлдики, *бир* сўзининг қўлланиш даражаси эртак жанрида юқори. Бунинг сабаби, халқ эртакларининг бошланмасида айтиладиган кириш сўз – зачинларда такрор-такрор қўлланишидир: *Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонларда бир подшо бўлган экан* каби. Иккинчи босқичда ўзбек халқ дostonлари туради. Бунда асосан дostonдан дostonга кўчиб юривчи, тайёр ифодалар такрорланади: *Бу сўзни эшитиб, Қалдирғочойим ҳам бир сўз деб турган экан (Д.86)* сингари. *Бир* англатган бу маъно нозикликларининг баъзилари ЎХОИ жанрларида хосланган ва улар махсус кузатишларни тақозо этади.

**Равишларда** ҳаракат белгиси даражасини кўрсатувчи *-лаб* қўшимчаси фаол: дostonларда – 605/791, мақолларда – 57/97, топишмоқларда – 86/213, эртакларда – 161/988, кўшиқларда – 82/218 нисбатда қўлланилган. Уларнинг статистик-лексикографик таҳлили равишларнинг имло луғатларда учрамайдиган ва дostonлардаги *чўлтонглаб, тайпанглаб, туккушлаб*, мақоллардаги *нақллаб*, топишмоқлардаги *гумиллаб, алтиллаб*, эртаклардаги *қулоқчинлаб, ёлпўшлаб, дукуллаб*, кўшиқлардаги *сабаллаб, ҳабаллаб, бўчаллаб тумпанглаб* сингари кўринишларини стилистик таҳлил этиш имконини берди.

Эртаклар ва кўшиқлар матнида фаол бўлган субъектив баҳо шакли – *-гина* эса ўрни билан равишли бирикмалар таркибида келган ва ифоданинг экспрессивлиги учун хизмат қилган. Бу каби қўлланишлар эса болалар учун мўлжалланган асарлар табиатига мос келади. Равишларнинг такрорланиши билан юзага келадиган интенсивлик ЎХОИ жанрлари матнида учраса-да, уларнинг фаол эмаслиги маълум бўлди.

Статистик-лексикографик таҳлиллар ўзбек адабий тилида деярли учрамайдиган, фақатгина фольклор тилига хос **фeълларнинг** мавжудлигини кўрсатди. Уларни шартли равишда иккига – фольклор асарлари тилига ва шевага хос фeъл гуруҳларига бўлиб таҳлил этилди. Фольклор тилига хос бўлган *ангишламоқ, ликилламоқ, чўлтангламоқ, қилтилламоқ, лўкилламоқ, дингирламоқ, диркилламоқ, селкилламоқ* фeъллар ностандарт шакли, функционал-стилистик хусусиятлари билан фарқ қилиб туради ва дostonлар тилида учрайди.

**Шевага хос 30 дан ортиқ фeъл кўрсаткичлари**, асосан, топишмоқ ва кўшиқ жанрларида учрайди. Эртак ва мақол матнларида кузатилмади.

№	шакллар	мисоллар	дoston	мақол	топишмоқ	эртак	кўшиқ
1	-дук	югурдук, дукурдук	-	-	2	-	6
2	-гон, -қон	бермагон, тошақон	-	13	18	-	18
3	-гай	сервагай, кирмагай	-	-	11	-	
4	-гай	борагай, келагай	-	-	21	1	27
5	-так	бутатак, хутатак	-	-	2	-	25
6	-рон	зимрон, қақрон	-	-	10	-	2
7	-кан	бубулакан, аппонакан	13	-	-	-	62
8	-гой	терагойсан, берагойса	2	-	-	-	11

Бу кўрсаткичлардан бири *-гай* келаси замон фeъли ясовчидир. Унинг истеъмол доираси чегараланган, шеърый асарларда истак шакли сифатида қўлланади: *Зув борагай, зув келагай, Олтин адагай, кумуш қадагай – ари*

(Т.74). Унинг -гай, -кай, -қай шакллари мавжуд. Шунингдек, топишмоқларда -гай яширин маънони ифодалаш билан бирга, истак маъносини ҳам англатади: *борагай, келагай, адагай, қадагай* каби. -гой эса қолмоқ феълининг қипчоқ шеваларида оммалашган кўринишидир: *кўрагой таягойгин* каби. -гай эса -а нинг поэтик шакли: *билгай, солгайсан*. Бундан бориб элатингга **киргайсан**, *Барчиннинг қошига тикка боргайсан*. Агар ушбу шаклнинг «Алпомиш»да – 10 (Фозил шоир), «Холдорхон»да – 19 (Эргаш шоир) марта қўлланганлигини, «Ойчинор»да (Қодир бахши) ва «Орзигул»да (Ислом шоир) учрамаслигини инобатга олсак, биргина шу грамматик кўраткич ҳам поэтик индивидуалликни аниқлаш воситаси бўла олиши мумкин. Ишда шу тарзда топишмоқларда учраган *арвагай – кема; илвагай, эрвагай, сервагай, элагай, делагай, дарвагай – арава* сўзлари таҳлил қилинган.

Бобнинг «Ёрдамчи сўз туркумларининг лингвостатистик тадқиқи» деб номланган иккинчи бўлимида ёрдамчи сўз туркумларини лингвостатистик тадқиқ этишининг, бир томондан, ЎХОИ жанрларидаги ушбу сўзшаклларни, иккинчидан, матн услуби ва ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратини аниқлашга имкон бериши, учинчидан, фольклор жанрларининг ўзаро яқинлиги, умумий категориал маънога эга бўлган сўзшаклларнинг фольклор матнидаги улушини белгилаши билан боғлиқлиги таҳлил этилган.

*Ёрдамчи сўз туркумларининг квантитатив тадқиқи натижалари*

m/p	сўз туркумлари	достон		мақол		топишмоқ		эртак		кўшиқ	
		F	f%	F	f%	F	f%	F	f%	F	f%
1	<b>кўмакчи</b>	52	0,05	38	0,04	36	0,07	38	0,11	30	0,10
2	<b>боғловчи</b>	18	0,018	11	0,014	8	0,017	13	0,04	10	0,03
3	<b>юклама</b>	14	0,014	20	0,02	4	0,008	20	0,06	11	0,04

Достон, эртак жанрларида кўмакчи сўзлар статистик доминантдир.

ЎХОИ асарлари жанрларидаги **кўмакчилар** частотасининг энг юқори кўрсаткичи халқ эртакларига тўғри келади ва бошқа жанрларга нисбатан 4 баробар кўп. ЎХОИ асарлари тилида қўлланган кўмакчилар: достонда – 52 та, эртакда – 21 та, мақолда – 21 та, топишмоқда – 36 та, кўшиқда – 50 та, жами 180 та, умумий матннинг 49,9 % ини ташкил қилади. Соф кўмакчиларга нисбатан функционал кўмакчилар кўп қўлланилган.

Жанрларда энг юқори частотали кўмакчи **билан** ҳисобланади. Мақол, топишмоқ, эртак, кўшиқлар матнида ушбу кўмакчининг ишлатилишида адабий тил меъёрлари сақланган. Эпик асарлар ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди. Масалан, «Алпомиш»да унинг қўлланиш частотаси қуйидагича: *билан – 425, бирла – 0, бирлан – 0, -ла – 1, -лан – 0, -ман – 40, -минан – 1*. Демак, достон тили учун ж-ловчи шеваларнинг табиатини акс эттирадиган *минан* ва *-ман* хос: **Товкаман Кайқубод суҳбат қуради (301)**.

ЎХОИ жанрлари матнидаги **боғловчиларга** оид олиб борилган статистик-лексикографик кузатишлар уларнинг ушбу жанрларда қўлланиш частотаси ва микроматн лингвистик бирликлари таркибида юз берган семантик-стилистик ўзгаришлар таъсирини ўрганишга имконият яратди. Боғловчилар частотасидаги энг юқори кўрсаткичи халқ достонларига тўғри келиб, бошқа жанрларга нисбатан деярли 2 баробар кўп. ЎХОИ асарлари матнида қўлланган боғловчи сўзшакллар: достонда –19 та, эртакда – 30 та,

мақолда – 6 та, топишмоқда – 18 та, кўшиқда – 15 та, жами 88 та ва умумий матннинг 0,03 % ини ташкил қилади. ЎХОИ жанрлари матни юзасидан олиб борилган статистик-лексикографик кузатишлар диссертацияда ҳар бир боғловчи юзасидан лингвистик таҳлилларни амалга оширишга имкон берди. Улар кўмагида юзага келган эмоционал-экспрессив маънолар таҳлил этилди.

**Юкламалар** частотасининг энг юқори кўрсаткичи халқ кўшиқларига тўғри келади ва бошқа жанрларга нисбатан 3 баробар кўп. Мақол ва топишмоқлар матнида юкламалар нисбатан кам қўлланган: 87/119 ва 231/467 ва бу ушбу жанрлар табиатига мос келади. Чунки уларда фикрни эҳтиросли ифодалашдан кўра мантиқ устунлик қилади. Қўлланиш частотасига кўра дostonлар иккинчи ўринда турса-да, 11та юкламадан бештаси – *-дир – 1004, -ми – 376, -да – 149, -ку – 127, -чи – 38* кўрсаткичлари билан устунлик қилади. Қолган олтитаси – *-а, -гина, -ё, -ҳа, -е, -ю* лар махсулдор эмас. Шунингдек, *о, ёй, ҳо, ой, ай, оқ (ёқ), эй, ей, яй* сингари кўшимчалар мисолида модал маънолар берувчи воситалар частотаси ўрганилди ва таҳлил этилди.

ЎХОИ жанрлари матнидаги юкламалар лингвостатистикаси таҳлили, биринчидан, ушбу сўз туркумининг фаоллик даражасини белгилаб берди. Иккинчидан, лексикографик қайта ишлаш амалга оширилиб, ҳар бир морфологик кўрсаткич қўлланган микроматнларни тадқиқот материали сифатида бир жойга тўпланди. Натижада муайян юкламанинг нафақат фаоллик-нофаоллик даражаси, айти пайтда, семантик-стилистик ва лингвопоэтик хусусиятлари, жанрлараро функционал чегараланишлари ва хосланишлари ҳақида аниқ хулосаларга келиш имконияти пайдо бўлди.

Бобнинг «Алоҳида олинган сўз туркумлариининг статистик тадқиқи» деб номланган учинчи бўлимида ЎХОИ жанрлари матнида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи сўзлар лингвостатистикаси ўрганилди. Уларнинг умумий матндаги лингвостатистикаси қуйидагича:

т/р	сўз туркумлари	дoston		мақол		топишмоқ		эртак		кўшиқ	
		F	f%	F	f%	F	f%	F	f%	F	f%
1	<i>модал</i>	10	0,010	6	0,013	7	0,02	12	0,015	7	0,02
2	<i>ундов</i>	15	0,015	25	0,05	19	0,06	27	0,03	46	0,14
3	<i>тақлид</i>	6	0,006	39	0,08	182	0,6	56	0,07	120	0,3

Эртак ва кўшиқ жанрларида ҳар бир зонада модал ва ундов сўзлар, мақол, топишмоқ, кўшиқ жанрларида тақлид сўз туркуми статистик доминантдир.

ЎХОИ асарлари жанрларида қўлланган **модал** сўзшакллар дoston жанрида – 11 та, мақолда – 6 та, топишмоқда – 7 та, эртакда – 12 та, кўшиқда – 7 та, жами 43 та сўзшакл ва унинг қўлланиш частотаси 726 тани, яъни умумий матннинг 0,02 % ини ташкил қилади. Модал бирликлар частотасининг юқори кўрсаткичи эртакларга тўғри келади ва бу кўрсаткич бошқа жанрларга нисбатан 4 баробар кўп. Модал оттенкали сўзлар орасида 6 тасининг частотаси юқори. Масалан, хулоса, натижа мазмунини берадиган ва 265 марта қўлланган *энди* нинг 218 таси эртак матнига тўғри келиши унинг семантикасига боғлиқлиги билан изоҳланади. Уларнинг фаоллиги қайд этилган жанрлар синтаксисига хосланган.

Маълум бўладики, **ундов** сўзшаклларнинг умумий сони дoston жанрида 13 та ва 84 марта қўлланган, мақолда 12/39, топишмоқда 18/58, эртакда 25/426,

кўшиқда 43/447 нисбатда, жами 62 та сўзшакл 1054 марта қўлланган ва умумий матннинг 0,05 % ини ташкил қилади. Улар орасида частотаси 40 тадан юқори бўлган ундовлар: *эй* – 223, *э* – 183, *о* – 123, *ҳой* – 83, *оҳ* – 53, *вой* – 47, *ҳо* – 43. Частотаси юқори бўлган 7 та ундов 755 марта қўлланган ва жами ундовларнинг 72 % ини ташкил этади. Улар асосан эртак ва кўшиқ жанрлари хиссасига тўғри келади. Бу эса, *вой*, *о*, *оҳ*, *э*, *эй*, *ҳо*, *ҳой* ундовларининг эртак ва кўшиқ жанрлари лингвопоэтикасида етакчилик қилишини тасдиқлайди. Достонлар матнида *оҳ* – 31, мақолда *э* – 8, топишмоқда *вой* – 7, эртакда *эй* – 164 ва *э* – 120, кўшиқда *о* – 118 ундовларининг частотаси юқори ва улар эмоционал-экспрессивликни юзага келтирувчи асосий субъектив баҳо шакллари дидир.

Ишда 329 та тақлидий сўзшакл ўрганилди. Уларнинг жанрлараро тақсимооти қуйидагича: достонда – 22, мақолда – 117, топишмоқда – 441, эртакда – 132, кўшиқда – 445, жами 1157 та. Бу тақлидий сўзларнинг 445 таси кўшиқ, 441 таси топишмоқ жанрига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида 38% дан жами 74% ни ташкил этади.

ЎХОИ асарларида қўлланиш частотаси юқори бўлган сўзларнинг фаоллик даражаси уларнинг жанрлараро хосланиш сабабларини ҳам билишга кўмаклашади ҳамда фақатгина тақлидий сўзларнинг лингвистик табиатига мос келадиган хусусиятларини алоҳида матнлар мисолида аниқлашга қулай илмий муҳит яратилади. Шу маънода, бу матнлар устида олиб борилган лингвостатистик ва лексикографик кузатишлар тақлидий сўзлар борасида яна бир муҳим жиҳатни тўлдиришга имкон яратди – ҳозирги ўзбек адабий тилида деярли қўлланмайдиган, фақат ЎХОИ асарлари тилидагина мавжуд бўлган тақлид сўзлар устида кузатишлар олиб бориш имконияти пайдо бўлди. Масалан: *анг-танг* / *онг-тонг*, *лов*, *ғалогул*, *лўк-лўк*, *ҳўлк-ҳўлк*, *гим-гим*, *дамбир-дўмбир* каби. Шундай қилиб, ЎХОИ асарлари тилида 0,06 % ини ташкил қилган тақлидий сўзшакллар эпик асарлар матнида персонажлар нутқининг жонлилиги, табиийлиги, миллий колоритни, эмоционал-экспрессивлигини таъминлаган, топишмоқ, эртак ва кўшиқ жанрларида эса ифоданинг ғоятда жонли бўлишига хизмат қилган муҳим услубий восита сифатида воқеланиши маълум бўлди.

Хуллас, ЎХОИ жанрлари матнидаги сўз туркумлари ва уларнинг грамматик кўрсаткичлари квантитатив таҳлили сўзшаклларнинг сўз туркумларига тақсимланиши ҳамда луғат таркибининг миқдорий ўсиши билан сўз туркумларининг матндаги улуши бир хил эмаслигини кўрсатди. Бу эса танланма матннинг ўзига хос типологик табиати ва жанр хусусиятлари билан боғлиқдир.

Жанрлар матни асосида тузилган терс луғатлар муайян морфологик кўрсаткичлар частотаси амплитудасини сўз туркумлари доирасида белгилашда кўмаклашди. Лингвостатистик кузатишлар уларнинг вариантлари қўлланишида функционал хосланишлар, экспрессивлик жиҳатдан табақаланиш мавжудлигини кўрсатди.

Халқ ижодкорлари қайси лаҳжага мансуб бўлса, улар куйлаган ва яратган ижод намуналарида ҳам ўша лаҳжага хос асосий морфологик хусусиятлар ўз аксини топган.

## ХУЛОСА

Ўзбек халқ оғзаки ижоди (ЎХОИ) асарлари матни юзасидан олиб борилган лингвостатистик ва лексикографик тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда, ҳеч бир фан, жумладан, ўзбек тилшунослиги фани тараққиётини ҳам технологиялар татбиқидан ташқарида олиб қараш мутлақо мумкин эмас. Шу боисдан, математик мантиқ, компьютер лингвистикаси, компьютер лексикографияси, корпус лингвистикаси каби соҳалар эришган инқилобий ютуқларни ўзбек тили таълими ва тадқиқотлари жараёнига дадил олиб кириш зарурияти пайдо бўлди.

2. Ҳозирда компьютер технологиялари ютуқларидан тилшунослик, айниқса, таржимашунослик ва лексикографик тадқиқотларда самарали фойдаланилмоқда. Компьютер лингвистикаси ўзбек тилшунослиги фанининг алоҳида соҳаси сифатида лингвистик таълимдан мустаҳкам ўрин эгаллади.

3. Давр олдимизга матн лингвистикасини замонавий методлар асосида талқин этиш вазифасини қўяётган экан, маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган ЎХОИ асарлари тилини ўрганишга ҳам эскича усуллар билан ёндашиб бўлмайди. Бу матнлар ҳам лексикографик ассортимент бўла олиши ҳеч бир соҳа мутахассисида шубҳа туғдирмайди. Аксинча, фольклор асарлари тилига лексикографик ишлов бериш лингвофольклористика соҳаси тараққиётига хизмат қилади. Айни пайтда, у турли функционал услублар кўринишида шаклланган ўзбек тили материали юзасидан амалга оширилган лексикографик тадқиқотлар кўламини янгича мазмун билан бойитади.

4. ЎХОИ матнлари юзасидан олиб борилган кузатишлар тил материалининг жойлашуви ва меъёрлашуви функционаллик нуқтаи назаридан ҳамда экстралингвистик омилларга боғлиқ тарзда турли матнлар турлича кечиши мумкинлигини кўрсатди. Бинобарин, бу ҳолат халқ оғзаки ижоди жанрларига хос бўлган матнларда ҳам кузатилди. Муаммонинг ана шу жиҳатларини замонавий лингвистик методлар, хусусан лингвостатистик методлар асосида ўрганиш тил материалини тадқиқ этишда юқори даражада аниқликка олиб келди ва олинган натижаларнинг илмий-амалий асосга қўйилишига замин яратди.

